

10.17.2022

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

US6508284773

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Xo‘jalik munosabatlari**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot: Yangiqo‘rg‘on tuman xalq ta'limi tomonidan 13.12.2022 yilda kiritilgan.

Ma‘lumot o‘rnida, O‘zbekiston Respublikasining 1998-yil 29-avgustdagi **“Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”**gi 670-I-son Qonunining 10-moddasi (*Xo‘jalik shartnomasiga nisbatan qo‘yiladigan talablar*) Xo‘jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko‘ra o‘zaro kelishuvga erishish lozim bo‘lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak. Xo‘jalik shartnomasida hisob-kitob qilish tartibi belgilanayotganda tovarlar (*ishlar, xizmatlar*) haqini qonunchilikda belgilanganidan kam bo‘lmagan miqdorda oldindan to‘lab qo‘yish albatta nazarda tutilgan bo‘lishi kerak. Xo‘jalik shartnomasini tuzishda taraflar tegishli turdagi shartnomalar uchun ishlab chiqilgan hamda huquqiy ekspertizadan belgilangan tartibda o‘tkazilganidan so‘ng e‘lon qilingan o‘zlarining namunaviy yoki tipovoy shartlariga (shakllariga) amal qilishlari mumkin.

Bundan tashqari, ushbu qonunining 24-moddasida (*Xo‘jalik shartnomalarini bajarmaganlik yoki lozim darajada bajarmaganlik uchun taraflarning javobgarligi*) Taraflardan biri shartnoma majburiyatlarini bajarmagan yoki lozim darajada bajarmagan taqdirda, bu taraf: boshqa tarafga yetkazilgan zararni to‘laydi.

O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksida, ushbu Qonunda, o‘zga qonunchilik hujjatlarida va shartnomada nazarda tutilgan tartibda boshqacha tarzda javobgar bo‘ladi.

**Agar qonunchilikda yoki shartnomada boshqa tartib nazarda tutilgan bo‘lmasa, xo‘jalik shartnomalarini bajarmaganlik va lozim darajada bajarmaganlik uchun ushbu Qonunning 25 — 32-moddalarida nazarda tutilgan javobgarlik choralari qo‘llaniladi.**

25-modda. (Tovarlarni yetkazib berish muddatlarini kechiktirib yuborganlik, to'liq yetkazib bermaganlik, ishlarni bajarilmaganlik yoki xizmat ko'rsatilmaganlik uchun javobgarlik) Tovarlarni yetkazib berish muddatlari kechiktirib yuborilgan, to'liq yetkazib berilmagan, ishlar bajarilmagan **yoki xizmatlar ko'rsatilmagan hollarda, tovar yetkazib beruvchi (pudratchi) sotib oluvchiga buyurtmachiga kechiktirilgan har bir kun uchun majburiyat bajarilmagan qismining 0,5 foizi miqdorida penya to'laydi, biroq bunda penyaning umumiy summasi yetkazib berilmagan tovarlar, bajarilmagan ishlar yoki ko'rsatilmagan xizmatlar bahosining 50 foizidan oshib ketmasligi lozim.** Penyani to'lash shartnoma majburiyatlarini buzgan tarafni tovarlarni yetkazib berish muddatlarini kechiktirib yuborish, to'liq yetkazib bermaslik, ishlarni bajarmaslik yoki xizmatlarni ko'rsatmaslik oqibatida yetkazilgan zararni qoplashdan ozod etmaydi.

26-modda. (Sifati, assortimenti va navi lozim darajada bo'lmagan tovarlarni (ishlarni, xizmatlarni) yetkazib berganlik uchun javobgarlik) Agar yetkazib berilgan tovarlar, bajarilgan ishlar yoki ko'rsatilgan xizmatlar sifati, assortimenti va navi bo'yicha standartlar, texnik shartlar, namunalarga (etalonlarga) qonunchilikda yoki xo'jalik shartnomasida belgilangan boshqa majburiy shartlarga mos kelmasa, sotib oluvchi (buyurtmach tovarlarni (ishlarni, xizmatlarni) qabul qilish hamda ularning haqini to'lashni rad etib, yetkazib beruvchidan (pudratchidan) sifati, assortimenti va navi lozim darajada bo'lmagan tovarlar (ishlar va xizmatlar) qiymatining 20 foizi miqdorida jarima undirib olishga, agar tovarlar (ishlar va xizmatlar) haqi to'lab qo'yilgan bo'lsa, to'langan summani belgilangan tartibda qaytarishni talab qilishga haqlidir. Sifati, assortimenti va navi lozim darajada bo'lmagan tovarlar (ishlar, xizmatlar) yetkazib berganlik uchun jarima yetkazib beruvchidan (pudratchidan) akseptsiz tartibda undirib olinadi. Jarimani undirish to'g'risidagi to'lov talabnomasi bank muassasasiga tovarlarning (ishlarning, xizmatlarning) sifati, assortimenti va navi lozim darajada emasligi to'g'risidagi dalolatnoma tuzilgandan keyin o'n kun ichida taqdim etiladi.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yangiqo'rg'on tumani**  
**yuridik markazi**  
**bosh yuristkonsulti:**



**J.N.BOZORXONOV**

13.12.2022

4239000 - 301821850142421092100013001

43.22.12.140 - 00005

## МУХОКАМА АХБОРОТИ

07.12.2022 йил

Янгиқўрғон шаҳри

Наманган вилояти ҳудудидаги Янгиқўрғон туман Халқ таълими бўлими томонидан 2022- йил “ 25 ” ноябрдаги № **22110012199139** сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22- апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Янгиқўрғон туман Халқ таълими бўлимига қарашли **50 - умумий ўрта таълим** мактаб иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш (иш,хизмат) учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича ООО “ **ARMFUL GROSS**” ва “**CHORTOQ QURILISH TAMIN**” МЧЖ , “**AFSONAVIY QURUVCHI** ” МЧЖ , “**SOF TAMIR LYUKS** ” МЧЖ , “**ЭЛДОР**” МЧЖ ва ЧП “**QURUVCHI BOBOYEV**“ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан

**ООО“CHORTOQ QURILISH TAMIN ”** энг мақбули деб топилди.

Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62-моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Янгиқўрғон туман ХТБ мудирини

Бош ҳисобчиси



*[Handwritten signature in blue ink]*

А.Қаюмов

У.Исламов

**Янгиқўрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли 50-сонли умумий ўрта таълим мактаб биноси иссиқлик тизимини жорий таъмирлашга доир**

**№ 50 сонли**

**ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ**

“ 7 ” декабрь 2022 й

Янгиқўрғон тумани

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Янгиқўрғон халқ таълими бўлими номидан низом асосида иш кўрувчи А.Қаюмов, бир томондан кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **SHORTOQ QURILISHTA`MIN МЧЖ** номидан низом асосида иш кўрувчи А.Икрамов иккинчи томондан **50-сонли умумий ўрта таълим мактаб биноси иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш** объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

**I. Тарифлар**

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган объект.

Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

**II. Шартнома мавзуси**

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига **50-сонли умумий ўрта таълим мактаб биноси иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш** объектини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**III. Шартнома бўйича ишлар қиймати**

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий

нархларда Шартнома қиймати **472 341 810.00 (тўрт юз етмиш икки миллион уч юз қирқ бир минг саккиз юз ўн) сўмни** ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўлайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга Тегишли илова рақами -иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Тегишли илова рақами-иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш; қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони кўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномада кўрсатилганларга мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш; молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига Тегишли илова рақами-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## **VI. Ишларни бажариш муддатлари**

### **10. Шартнома:**

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома қонун ҳужжатларига мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари нагижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан Қурилиш муддати кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## **VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар**

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказади, бу **141 702 543, 0** сўмни ташкил этади. Қолган 70 фоиз сумма Буюртмачи ва пудратчи билан имзоланган далолатнома (Ф-2, Ф-3) ларга асосан буюртмачи томонидан тўлаб берилади.

15. Ҳисоб китоб шакли: пудратчининг банкдаги ҳисобрақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг Молиялашнинг умумий суммага нисбатан максимал фоизи доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган Қурилиш тугаллангандан кейин икки босқичда тўланадиган миқдор фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки босқичда;

объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб Объект қабул қилингандан кейин биринчи босқичда тўланадиган миқдор ой мобайнида - ишлар қийматининг камида Объект қабул қилингандан кейин иккинчи босқичда тўланадиган миқдор фоизи миқдорида;

мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин-ишлар қийматининг Кафолат муддати тугагандан кейин тўланадиган миқдор фоизига миқдорида, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар

объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўтгиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

### **VIII. Ишларни бажариш**

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва стишмаётган тупроқни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янғидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга

мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан Объектни топшириш ҳақида хабардор қилиш муддати кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида стқазилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтқазилган синовлар, материаллар ўз вақтида стқазиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни Аниқланган камчиликларни баргараф этиш муддати кун муддатда баргараф этиш чоратadbирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

### **IX. Ишларни кўриқлаш**

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### **X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб Объектни қабул қилиш муддати кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан Хужжатларни тақдим этиш муддати кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

#### **XII. Кафолатлар**

48. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини; ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида Объектни ички тизими кафолат муддати ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида Объектни том қисми кафолат муддати ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

### **XIII. Шартномани бекор қилиш**

52. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қонунчилигига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги**

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди; Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг Буюртмачи томонидан тўланадиган пеня

миқдори фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг Буюртмачи томонидан тўланадигна пенянинг максимал миқдори фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди..

61. Буюртмачи томонидан Пудратчига Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар), ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди. Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг Пудратчи томонидан тўланадиган жарима миқдори фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### **XV. Низоларни ҳал этиш тартиби**

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### **XVI. Алоҳида шартлар**

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган Шартнома нусхалари сони нусхада тузилди. Шартнома 31- декабр 2022 йилгача амал қилади

### **XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:**

#### **Буюртмачи:**

Янгиқўрғон туман Ҳалқ таълими бўлими  
(50-мактаб)

Манзил: Янгиқўрғон т Наманган кўча 13-уй  
ШХР: 301821860142427092100075001

СТИР: 200119153

Янгиқўрғон туман ғазначилик бўлинмаси.

Х/Р: 23402000300100001010

Банк: Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ

МФО: 00014

СТИР: 201122919

Тел/факс: +998696321451

#### **Пудратчи:**

Чортоқ туман **CHORTOQ  
QURILISHTA`MIN МЧЖ**

Манзил: Чортоқ туман Чорвадор кўча 234

Х/Р: 202080005000730103001

Банк: ТИФ Миллий банк Уйчи ф

МФО: 00877

СТИР: 304599264

Тел/факс: +998994741212

Мудир:



А.Қаюмов  
(имзо)

МЧЖ раҳбари:

М.Ў. (имзо)

А.Икрамов





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"CHORTOQ QURILISHTA`MIN" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"CHORTOQ QURILISHTA`MIN" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

02.02.2017

29

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

304599264

Huquqiy

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Shahar joyi:

Namangan viloyati, Chortoq tumani, Karaskan, Саркор МФЙ, Чорвадор  
кучаси, 234-уй,

Shahar nom:

Namangan viloyati, Chortoq tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan  
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



# Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 199139 на приобретение 50 мактаб биноти иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 03.12.2022

Время рассмотрения 03.12.2022 11:52

Закупочная комиссия Янгиқургон тумани Халқ таълими бўлими марказлашган бухгалтерия, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	KUCHKOROV ISOKJON ISMOILOVICH	Мудир уринбосари	Янгиқургон туман ХТБ
<b>Секретарь комиссии</b>	SULAYMANOV TURSUNALI YUSUFJANOVICH	услугчи	халқ таълими
<b>Член комиссии</b>	ISLAMOV ULUG'BEK ISMOILJONOVICH	Бош хисобчи	Янгиқургон туман ХТБ
<b>Член комиссии</b>	NASRIDDINOV SHAVKAT FAZLIDDINOVICH	Ўринбосар	Янгиқўрғон ХТБ
<b>Член комиссии</b>	DEDABOYEV MIRZOXID IBROXIMOVICH	Мат.хисобчи	Янгиқўрғон ХТБ
<b>Член комиссии</b>	ABDULLAYEVA SHOXISTA G'ULOMJONOVNA	мутахасис	халқ таълими

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 03.12.2022 года № лота 199139.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 65

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту системы отопления, сан узла</b>
Подробное описание	50 мактаб биноти иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	476 549 662.00
Стартовая сумма	476 549 662.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш қўл ёзма

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш қўл ёзма

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA'MIR LYUKS MЧЖ	20	20	15	Экспертная		
ЧП QURUVCHI BOBOYEV	20	469119220	15	Экспертная		
SHORTOQ QURILISHTA'MIN MCHJ	20	20	15	Экспертная		
ООО "ARMFUL GROSS"	20	ФАЙЛ	15	Экспертная		
ЭЛДОР М.Ч.Ж.	20	Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш қўл ёзма	18	Экспертная		
"AFSONAVIY-QURUVCHI" mas'uliyati cheklangan jamiyati	20	МАЪЛУМОТНОМА	10	Экспертная		

Критерий №2 Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг шахсий ИНН си ва Паспорт нусхалари).

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг шахсий ИНН си ва Паспорт нусхалари).

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA'MIR LYUKS MЧЖ	20	20	15	Экспертная		
ЧП QURUVCHI BOBOYEV	20	469119220	20	Экспертная		
SHORTOQ QURILISHTA'MIN MCHJ	20	20	20	Экспертная		
ООО "ARMFUL GROSS"	20	файл	15	Экспертная		
ЭЛДОР М.Ч.Ж.	20	Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг шахсий ИНН си ва Паспорт нусхалари).	20	Экспертная		
"AFSONAVIY-QURUVCHI" mas'uliyati cheklangan jamiyati	20	malumot	18	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари. Банк кафилиги бўлсин

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари. Банк кафилиги бўлсин

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA'MIR LYUKS MЧЖ	10	10	5	Экспертная		
ЧП QURUVCHI BOBOYEV	10	469119220	5	Экспертная		
CHORTOQ QURILISHTA'MIN MCHJ	10	10	8	Экспертная		
ООО "ARMFUL GROSS"	10	файл	5	Экспертная		
ЭЛДОР М.Ч.Ж.	10	Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари. Банк кафилиги бўлсин	8	Экспертная		
"AFSONAVIY-QURUVCHI" mas'uliyati cheklangan jamiyati	10	маълумот	8	Экспертная		

Критерий №4 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги уч йилликда қилинган иш тажрибаси.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги уч йилликда қилинган иш тажрибаси.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA'MIR LYUKS MЧЖ	10	10	5	Экспертная		
ЧП QURUVCHI BOBOYEV	10	469119220	10	Экспертная		
CHORTOQ QURILISHTA'MIN MCHJ	10	10	10	Экспертная		
ООО "ARMFUL GROSS"	10	файл	5	Экспертная		
ЭЛДОР М.Ч.Ж.	10	Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги уч йилликда қилинган иш тажрибаси.	8	Экспертная		
"AFSONAVIY-QURUVCHI" mas'uliyati cheklangan jamiyati	10	маълумот	10	Экспертная		

Критерий №5 Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA`MIR LYUKS MЧЖ	10	10	8	Экспертная		
ЧП QURUVCHI BOBOYEV	10	469119220	10	Экспертная		
CHORTOQ QURILISHTA`MIN MCHJ	10	10	10	Экспертная		
ООО "ARMFUL GROSS"	10	файл	10	Экспертная		
ЭЛДОР М.Ч.Ж.	10	Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати	10	Экспертная		
"AFSONAVIY-QURUVCHI" mas`uliyati cheklangan jamiyati	10	маълумот	10	Экспертная		

Критерий №6 Танловда қатнашиш кунида Давлат солик инспекциясидан, солиқлардан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда қатнашиш кунида Давлат солик инспекциясидан, солиқлардан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA`MIR LYUKS MЧЖ	10	10	8	Экспертная		
ЧП QURUVCHI BOBOYEV	10	469119220	8	Экспертная		
CHORTOQ QURILISHTA`MIN MCHJ	10	10	10	Экспертная		
ООО "ARMFUL GROSS"	10	файл	10	Экспертная		
ЭЛДОР М.Ч.Ж.	10	Танловда қатнашиш кунида Давлат солик инспекциясидан, солиқлардан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		маълумотнома				
"AFSONAVIY-QURUVCHI" mas'uliyati cheklangan jamiyati	10	маълумот	8	Экспертная		

Критерий №7 Объектнинг жамланма жадвали, объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхати, объект қурилишининг шартномавий нархини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектнинг жамланма жадвали, объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхати, объект қурилишининг шартномавий нархини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA'MIR LYUKS МЧЖ	10	10	8	Экспертная		
ЧП QURUVCHI BOBOYEV	10	469119220	10	Экспертная		
SHORTOQ QURILISHTA'MIN MCHJ	10	10	10	Экспертная		
ООО "ARMFUL GROSS"	10	ФАЙЛ	8	Экспертная		
ЭЛДОР М.Ч.Ж.	10	Объектнинг жамланма жадвали, объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхати, объект қурилишининг шартномавий нархини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари	8	Экспертная		
"AFSONAVIY-QURUVCHI" mas'uliyati cheklangan jamiyati	10	маълумот	8	Экспертная		

Критерий №8 Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA'MIR LYUKS МЧЖ	10	10	5	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП QURUVCHI BOBOYEV	10	469119220	10	Экспертная		
CHORTOQ QURILISHTA'MIN MCHJ	10	10	10	Экспертная		
ООО "ARMFUL GROSS"	10	ФАЙЛ	5	Экспертная		
ЭЛДОР М.Ч.Ж.	10	Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома	10	Экспертная		
"AFSONAVIY-QURUVCHI" mas'uliyati cheklangan jamiyati	10	MALUMOT	5	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ЭЛДОР М.Ч.Ж.	476 549 662.00	473 387 261.00 UZS	473 387 261.00	00.00	473 387 261.00	02.12.2022 18:04:28	9.50596
CHORTOQ QURILISHTA'MIN MCHJ	476 549 662.00	472 341 810.00 UZS	472 341 810.00	00.00	472 341 810.00	02.12.2022 17:16:26	9.527
ЧП QURUVCHI BOBOYEV	476 549 662.00	469 119 220.00 UZS	469 119 220.00	00.00	469 119 220.00	02.12.2022 09:36:27	9.59244
"AFSONAVIY-QURUVCHI" mas'uliyati cheklangan jamiyati	476 549 662.00	460 000 000.00 UZS	460 000 000.00	00.00	460 000 000.00	02.12.2022 19:44:27	9.78261
SOF TA'MIR LYUKS MЧЖ	476 549 662.00	450 000 000.00 UZS	450 000 000.00	00.00	450 000 000.00	02.12.2022 09:22:50	10
ООО "ARMFUL GROSS"	476 549 662.00	457 441 884.00 UZS	457 441 884.00	00.00	457 441 884.00	02.12.2022 17:53:46	9.83732

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ЭЛДОР М.Ч.Ж.	82.8	9.50596	92.30596
CHORTOQ QURILISHTA'MIN MCHJ	83.7	9.527	93.227
ЧП QURUVCHI BOBOYEV	79.2	9.59244	88.79244
"AFSONAVIY-QURUVCHI" mas'uliyati cheklangan jamiyati	69.3	9.78261	79.08261
SOF TA'MIR LYUKS MЧЖ	62.1	10	72.1

ООО "ARMFUL GROSS"	65.7	9.83732	75.53732
--------------------	------	---------	----------

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 199139 от 03.12.2022 года на приобретение 50 мактаб биноти иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш определила победителем:

CHORTOQ QURILISHTA' MIN MCHJ  
304599264

и резервный исполнитель: ЭЛДОР М.Ч.Ж. (202996946)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	KUCHKOROV ISOKJON ISMOILOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ISLAMOV ULUG'BEK ISMOILJONOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	NASRIDDINOV SHAVKAT FAZLIDDINOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	DEDABOYEV MIRZOXID IBROXIMOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ABDULLAYEVA SHOXISTA G'ULOMJONOVNA	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП